

ЁЗДА ҲАМ ГАВЖУМ

ЎҚИШЛАР ТУГАБ мактаб ҳовлилари хувиллаб қолди. Шаҳримиздаги "Ёш ижодкорлар" уйи эса янада гавжумлашди. 20 дан ортиқ турли тўғарақларда машғулотлар олиб борилмоқда. Рассомчилик, тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик каби тўғарақларга қатнайдиган болалар сони янада ортиди.

Мен ҳам дугоналарим билан "Ёш мухбир" тўғарагига қатнашиб келяпман. Биз турли мавзуларда, қизиқарли ва ўқимишли мақолалар ёзишни машқ қилаймиз. Мен тенгдошларим ҳаётига оид хабарлар ёзишни хуш кўраман. Яқинда бичиш-тикиш тўғарагига қатнашиб, тикувчилик сирларини ўрганаётган тенгдошларим ҳақида ёзган мақолам тўғарагимиз раҳбари Нодира опа Олимовага ҳам жуда маъқул бўлди. Тўғарагимиз қатнашчиларидан З. Мамадалиева, Д. Пўлатова, Ж. Мирзаев, Ж. Муҳаммедов каби тенгдошларим ёзган мақолалар вилоятимиз газеталарида ёритилмоқда.



Жасур Йўлдошев,
Жиззах шаҳри.

ҚИШЛОҚДА ДАМ ОЛЯПМАН

Хар йили ёзги таътилни тоғ ён бағирларида жойлашган сўлим оромгоҳларда ўтказар эдим. Бу йил эса қишлоққа, бувимларникига отландим. Ва бундан жуда хурсандман.

Боғишамол ўта хушманзара, ҳавоси мусаффо, айниқса сокинлигини айтмайсизми?! Анча кексайиб қолган бувимнинг қўлларидан юмушларини олдим. Сигир соғиш ҳамда тандирда нон ёпишни ҳам ўрганиб олдим.

— Ёрдамлашганинг менга фойда бўлса, ўрганганинг ўзингга, — дейдилар бувижоним мамнун бўлиб. Қишлоқда янги-янги дўстлар орттирдим.

Нозима САИДОВА,
Тошкент шаҳри.



Боғча билан хайрлашиш онлари ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги унутилмас кунлардандир. Ўшанда "Энди мактабга борасан", "Сен катта бола бўлдинг" деяётган катталарга тақлид қилиб, елкаларимиз тоғ мисол кўтарилгандай бўлганда ҳаммамизнинг. Боғча опаларимиз тақдим этган портфелни қайта-қайта илиб кўриб, ўз умримизнинг энг тотли ва қувончли, қайтариқмас, ташвишсиз дамлари билан хайрлашаётганлигимизни ўйлаб ҳам кўрмагандик...

Мана, улар қўшиқ куйлашяпти:

Хайр, энди боғчажон,
Салом сента мактабжон!

Ёзги таътил кунлари барча шаҳар ва қишлоқларда боғча билан хайрлашиш кечалари ўтказилмоқда. Тошкент шаҳридаги 120-боғчада бўлиб ўтган байрамга кичкинтойлар анчадан буён тайёргарлик кўришаётган эди. Улар шу кунни боғча опалари бошчилигида нималарни

ўрганиб олишганини намойиш этишди. Мактабга боргач, ўз тарбиячиларининг ишончларини оқлашга ваъда беришди.

СУРАТЛАРДА: 120-боғчадаги хайрлашув байрамидан лавҳалар.
Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



ЁШ ТЕХНИКЛАР БЕЛЛАШУВИ



Бир неча кунлар давомида республикаимизнинг қатор вилоятларида бўлиб ўтган Ёш техниклар ва тадбиркорларнинг турнири ниҳоясига етди. Ушбу тадбир буюк мунажжим, фалакиёт илмининг султони Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланди. Республикаимизнинг деярли барча вилоятларидан келган 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган иштирокчилар техниканинг қордди тайёрасозлик, эркин учиш, автомодел, кемасозлик, картинг турлари бўйича қизгин

беллашдилар. Кичик ҳажмдаги картинг машиналари пойгаси пойтахтимиздаги "Боғи эрам" сайлгоҳида бўлиб ўтди. Бу ерда республикаимизнинг 7 та вилоятидан ҳамда Тошкент шаҳридан қатнашган ёш пойгачилар мусобақалашдилар. Шаҳримиздаги "Старт" стадиони ҳам мусобақалар кунлари гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ қордди моделлар моторининг шовқини билан тўлиб кетди. Болалар ўз қўллари билан ясаган турли хил тайёраларнинг моделларини намойиш қилдилар

Хоразмлик Абдулла Абдураимов, қорақалпоғистонлик Дилмурод Эшназаров, Фаргона шаҳар ёш техниклар станцияси қатнашчиси Валерия Умаров, Самарқанд шаҳар ёш техниклар станцияси иштирокчиси Стасик Абдуллаев... Булар мусобақа қатнашчиларидан айримлари. Жами 50 нафар иштирокчилар орасида учувчилар ҳам, механиклар ҳам, инженер-конструкторлари ҳам бор. 5 кун давомида турлар бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

[Давоми 2-бетда]

Болалик тасаввури дафтарини варақлар эканман, баъзан аъзои баданимни қалтироқ босади. Мен таниган-танимаган одамлар қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланади. Уларнинг шакли-жамоли ғажин қорачиқларим тубида яшайди. Негаки, болалигимда билган одамлар аллақачон бу дунедан ўтиб кетишди...

"БОЛАЛИКНИНГ ЎЧМАС ДАМЛАРИ"

3-бет

— Умар Ҳайёмнинг ғазалларидан ўқисам, ўз-ўзимдан расм чизгим, нафақат ҳажвий, балки буюк полотнолар яратгим келади. Мени улар жуда илҳомлантиради.

"ИЛҲОМЧИСИ — УМАР ҲАЙЁМ"

4-бет



Шаҳарлик болаларнинг ёзги таътил давомида дам олишлари учун қишлоқдаги тенгдошларига нисбатан иштиёқлар кўпроқ яратилган: ижод марказлари, техника уйлари, маданият саройларини шаҳардан анча олис қишлоқлардан топиб кўрингчи. Оромгоҳларда ҳам кўпроқ шаҳарлик болаларни учратасиз. Шундай экан, қишлоқ ёшларининг таътили қандай ўтати, деган савол бизни қизиқтирди ва биз олис Қумқишлоқ томон йўл олдик...

Бу хонадонда тўққиз нафар фарзанд бор. Ёшларининг орасида фарқ ҳам унча катта эмас. Биз хонадон соҳиби - Тўра ака Абдуназаровдан фарзандлари хусусида сўрамадик.

Негаки, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг феъли ёки хатти-ҳаракатларининг яхши томонини кўрсатишга уринади. Болаларнинг ўзлари билан гаплашиб, уларнинг қизиқишлари, интилишлари, таътиллари ҳақида сўз юртдик.

Ҳаким АБДУНАЗАРОВНИНГ мактабини тамомлаб кетганига бир неча йиллар бўлганига қарамай, муаллимлар уни оғир, босик, баъзилари индамас бола эди, деб эслаб юришади. Ҳаким ростдан ҳам камгап бола экан. Қишлоқ болаларига хос бу одат унинг ўзига ярашиб турарди.

—Қишлоқда яшайдиганлар учун қизиққан касбини эгаллаш қийин, - дейди у. — Ахир ҳамма ҳам тракторчи бўлавермайди-ку. Шундай бўлсада ўқишга жазм этдим. Отам бизга жуда ёшлигимиздан "бекорчидан худо безор," деб ўргатганлар. Ҳозир тижорат техникумининг ҳисобчилик бўлимида таълим оляпман. Ўқишни албатта давом эттирмаман.

Елкалари кенг, бақувват САЛИМ эшикдан кириб келганда укалари уни ўраб олишди. Салим 9-синфни тугаллагач, ҳунар-техника билим юртида таълим ола бошлабди.

—Билим юртини тугалласам тракторчилик касбини эгаллайман, — деди у. —Аммо орзуим ундаймасди. Узоқ киш кечалари ёки салқин шабада эсиб турадиган ёз тонглари ўзимни танкни бошқариб кетаётгандай тасаввур қилар, ҳар доим танкчилар фуражкани қандай кийиш ҳақида ўйлардим. Аммо киши ҳар доим ҳам ўйлаган орзусига эриша олмас экан. Ҳарбий билим юртига кириш учун рухсат тегмай турибди. Улар рўқач қилаётган баҳоналарга барҳам бериш учун бизда имконият йўқ. Қишлоқда битта мактаб бор. Техник билимимизни ошириш, бирон тажрибалар ўтказиш учун шароит йўқ. Бунинг учун туман марказига

бориш керак. Баъзан таътилга чиқиб, мол-ҳол эргаштириб юрган қишлоқдош болаларга қараб ачиниш кетаман. Таътил уларга шунинг учун берилганми?

Лекин мен албатта ҳарбий бўламан. Ўзимнинг ниятимга етишиш учун ҳаракат қиламан.

Салимнинг қатъийлиги ота-онасида ҳам, бизда ҳам ҳаяжон уйғотди. Ёшига мос бўлмаган қатъийлик билан айтган гаплари



ўйлантириб қўйди. Ростдан ҳам Қумқишлоқ ва унинг ён-веридagi қишлоқлардаги хўжаликларда минглаб мактаб ёшидаги болалар бор. Улар уч ой давомида олишлари мумкин бўлган барча фойдали билимлар ва ҳунарлардан маҳрум: сув ҳавзаси, техника уйи, ижод марказлари, кутубхоналар йўқ.

—Кўнглимиздагидек тўғарақлар ўқув йили давомида ҳам ташкил этилгани йўқ, — дейди бу йил мактабини тамомлаган ОЛИМ. —Ким қандай касбга қизиқса ўзига керак қўшимча билимни ўзи мустақил ўрганади. Бир томондан бу яхши — мустақилликка ўргатади. Бир томондан барибир муаллимлар йўналиш бериб тургани бошқад.

Таътил қишлоқ болалари учун доим бир хил: тонгги салқинда мол-ҳол ҳайдалади. Ўтлоқроқ жойда уч-тўрти бир бўлиб,

уларга қарашади, турли ўйинлар ўйнашади. Ўй-рўзгор ишларига қарашади. Кўлидан иш келадиганлари далага чиқади.

—Аммо бизнинг уйда бир "қонун" бор, — деб суҳбатимизга аралашди боядан бери жим ўтирган Маъмур. —Бу "қонун" таътилда ҳам, ўқув йили давомида ҳам ҳаммамизга бирдай. "Ўқи, ўрган, бекор юрма." Бу "қонун"ни отам ишлаб чиққан. Бизнинг унга амал қилишимизни у киши доим назорат қилиб турадилар. Китоб ўқиш, ўз устида ишлаш, бирон фойдали иш ўрганиш — ҳоҳ у ош пишириш бўлсин, ҳоҳ бирон пойабзални ямаш—бу "қонун"нинг доирасига киради. Отам нафақат назоратчи, балки йўриқчидирлар ҳам. Бизга керакли адабиётларни топиб беришда, фойдали маслаҳатлар беришда у

орттириб, ўзи севган машгулотлар билан банд бўлади. Кашта тикиш унинг энг севган машгулоти.

—Кашталаримга дилимдаги, кўнглимдаги гўзалликларни, нафисликни тушуришни истайман. Улар менга завқ беради.

Ҳар қандай шароитда ҳам гўзалликни унутмаган инсон — ҳақиқий инсон. Ўз фарзандларида гўзалликка, илмга, ҳунар ўрганишга меҳр уйғота олган ота-онага таъзим.

—Ота-она фақат раҳмат эшитиш учунгина фарзанд тарбияламайди, — дейди Тўра ака. Боланинг ҳар томонлама етук бўлиб воёга етишиши учун ҳаракат қилиш уларнинг ҳам фарзи, ҳам қарзи. Ватанимизнинг келажаги буюк бўлиши учун болаларни ҳам жисмонан, ҳам маънан бақувват қилиб ўстиришимиз керак. Бунинг учун гўйибдан бир мўъжиза кутиб ўтириш керак эмас. Маънавий соғлом бола тарбия қилиш ота-онанинг ўзига боғлиқ. Кичик уй кутубхонаси ташкил қилиш, техникага оид журнал ва адабиётлар топиб бериш унчалик мушкул иш эмас. Бу иш ота-онани унчалик кўп куч талаб қилмайди.

Тўра аканинг гапида жон бор. Бугун қишлоқ хонадонларига кирсангиз, жуда озчилигидан болаларбоп адабиётлар, китоблар топасиз. Болаларининг маънавий баркамоллигига у қадар эътибор бермайдиган ота-оналарни топиш ҳам қийин эмас. Аммо ҳозирча ҳар бир қишлоқда маданият марказлари, ижод уйлари, турли тўғарақлар ташкил қилишнинг имкони йўқ экан, болаларнинг таътил кунлари қизиқarli, фойдали ўтиши, уларнинг қизиқишларини қондириш ота-оналарга, қолаверса ўзини ёшларнинг келажагига масъул ҳисоблаган ҳар бир кишига боғлиқ.

Қумқишлоқда таътил давом этмоқда. Жазирама кўёш қиздираётган кўм тепаликлар ортида чопқиллаб қўй-қўзиларни боқаётган болакайларга қараб ҳавасингиз келади. Болалик қувончлари уларни барча ташвишлардан узоқлаштирган. Улар орасида Маҳмуд ҳам, Маъмур ҳам, Салим ҳам бор. Уларнинг қалби доимо ҳозиргидай бегубор ва қатъий бўлишга тилалдош бўлиб қоламиз.

Ы

Д. ТУРАХМЕТОВА,
Сўрхондарё вилояти,
Жарқўрғон тумани.

ЁШ ТЕХНИКЛАР БЕЛЛАШУВИ

(Боши 1-бетда)

Осмон жанги мусобақасида 4 дақиқа ичида қай бир тайёра рақиб тайёра думига боғланган богичини кесиб ташласа, голиблик ўша томонда бўлади. Тезлик билан учиш, ҳавода турли шакллар ясаш, турли хилдаги тайёралар моделларини ясаш ва вазибаларини аниқ белгилаб бериш мусобақалари ҳам жуда қизиқarli ўтди. Табиийки, бу мураккаб топшириқлар ёш техника ихлосмандлари учун жиддий синов вазифасини ўтади. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, голиблик совринини боши узра баланд кўтариш эса



ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бир неча кунлик жиддий синовлардан сўнг голиблар аниқланди. Жамоалар миқёсида 1-ўрин Тошкент шаҳрининг маҳоратли жамоасига насиб этди. 2-ўринни самарқандлик ёш авиамодел-чилар, 3-ўринни эса фарғоналик техника ихлосмандлари эгалладилар.

СУРАТЛАРДА: ёш техниклар ва тadbиркорлар турниридан лавҳалар.


Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

Ёзининг иссиқ кунлари иштаҳа бироз пасаяди. Шунинг учун иложи борида сабзавот ва меваларни кўпроқ истеъмол қилиш керак. Кечки овқатга мазали таом тайёрладингиз, агар унинг ёнига сабзавотли салат ҳам тайёрласангиз, янада хуштаъм бўлади. Иштаҳангиз ҳам очилиши табиий! Шу мақсадларда оналарининг яқин кўмакчилари бўлмиш қизларимизга бугун фарғонача салат ва пишлок тайёрлашни ўргатмоқчимиз.

ФАРҒОНАЧА САЛАТ

Бундай салат тайёрлаш учун қизил ва сариқ сабзи, қизил ва яшил рангли булғор қалампири, карам, пиёз, саримсоқ пиёз керак бўлади.

Буларнинг ҳаммасини майда тўғраб, 1 чой қошиқда уксус ва туз солинади. Озгина ўсимлик ёғи билан яхшилаб аралаштириб, дастурхонга тортиш мумкин. Бундай салат овқатланишдан олдин озгина истеъмол қилинса, иштаҳа очилади.



ПИШЛОҚ ТАЙЁРЛАШ

Творогни гўшт қиймалагичдан чиқариб, унга бир чой қошиқда истеъмол содаси ва туз қўшиб оловга қўясиз. 10 дақиқа паст оловда қайнаб чиққач творогни сузгич ёрдамида сузиб оласиз. 15 дақиқа тиндириб, яна бир қошиқда сода соласиз. Қоришмага тухумнинг сариги ҳамда эритилган сарёғ қўшиб, исталган шаклда музлатгичда қотирасиз. Совигач, ликопчаларга чиройли қилиб кесиб, дастурхонга, тортасиз. Бундай пишлокни тайёрлаш учун қуйидаги миқдорда масалликлар талаб қилинади:

1 кг творог, 2 чой қошиқ сода, 1 дона тухумнинг сариги, 3 чой қошиқ туз, 2,5 стакан эритилган сарёғ.

Нигора ХУДОЙҚУЛОВА тайёрлади.

ЎЗНИ
ТАЙЁР
ЛАШ



УМР ЎТГАН САРИ негадир одам болалик онларини қўмсаб қолар экан. Балки бу бошқалар учун эришдир. Чунки ҳар одамнинг қўмсайдиган ўз умр фасли бўлади. Кимдир ўспиринлигини, яна кимдир ёшлик баҳорини соғинади. Мен учун эса асосан болалик кунларимни эслаш, унинг хотираси билан яшаш завқли. Эслаганим сари яйраб кетаман. Албатта, бу яйрашлар қатида ўқиниш ҳисси ҳам яшаб келади.

Болалик тасаввури дафтарини варақлар эканман, баъзан аъзои баданимни қалтироқ босади. Мен таниган-танимаган одамлар қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланади. Уларнинг шакли-жамоли ғамгин қорачиқларим тубида яшайди. Негаки, болалигимда билган одамлар аллақачон бу дунёдан ўтиб кетишди...

Йили аниқ эсимда йўқ. Бухорои Шарифнинг Хожа Зайниддин масжиди атрофида яшар эдик.

Бу ҳовлига кўчиб келишимизнинг ҳам ўз тарихи бор. Уруш энди бошланган йили. Нарзи бобом шаҳарга тушса хароба, бўм-бўш, кичкина ҳовличага дуч келади. Ҳовлича дегани бир такхона, бир болахонадан иборат. Яна кўчадан пана қилиб турувчи ярим йиқиқ девори ҳам бор эди.

Биз ҳозир Бухорои Шариф кўчаларида буюк алломалар Абу Али Ибн Сино, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Бобои Самосий, Баҳовуддин Нақшбандий (бу зотларнинг қайси бирини айтай) юрган, масжиду — мадрасаларда таҳсил олган деб фахрланамиз. Адашмасам, қўтлуғ шаҳар уч кун ёнганида фахру ифтихор тўйғулари ҳам жизғанақ бўлиб куйган. Номардлик мардлик юзига оёқ босган.

Жўмардлик, мардлик ҳақида кўп гапирармиз. Хўп, номардлик нега устун келади?

Биз томонларда оғзи бирлик деган ибора бор. Бу бир мушт бўлиб яша, бир тан бўл, дегани. Номардлик — оғзи бирлиكنинг душмани. Қад ростлаётган

мустиқиллигимиз ҳам ана шу оғзи бирлигимиз меваси. Мана шунинг учун ҳам бугун биз тарихимизга тез-тез мурожаат қилаёلمиз. Аждодларимизнинг оғзи бирлиги туфайли Самарқанду Бухоро, Хиваю Қўқон дунёга келган. Бу шаҳарларда буюк алломалар ўқиган. Ким айтади, уларнинг руҳи бизни қўлламайди, деб.

Менинг учун оғзи бирлик деган сўз ҳар қандай шоирдан азизроқдир. Тили, дили, эътиқоди, дини битта халқда бирлик бўлади. Бу оломоннинг бирлашиши эмас.

Чизиқдан чиқиб кетмай, сўзимни келган жойидан давом этмоқчиман.

Яна бир эшитганим. Буни менга ўттизинчи йиллар бошида "Ленин учқуни" болалар газетида ишлаган Мирҳожиев айтиб берган эди. Мен тенгилар Бухорои Шариф ўртасидан оқиб ўтадиган тош ариқни биламиз. Аслида эса шаҳарнинг ўртасидан остидан худди ана шундай ўттиз иккита каттаю кичик, устибори тош ариқ ўтган. Буларнинг бариси шаҳарнинг оби-ҳавосини мўтадил асрашга хизмат қилган. Бунга ҳозирда ҳам мавжуд бўлган, қадимги ҳаммомлардан оқадиган кир-чир сув йўллари кирмайди. Ҳолбуки, улар ҳам тош ариқлардан иборат.

Олой бозори орқасида яшаган Мирҳожиев менга ўша ўттиз икки ариқнинг шаклини кўрсатди. Буни мен Бухородаги ёш ўлкашунослар тарихий музейига топшираман, бундан кўпчилик беҳабар, деди. Гап шундаки, қизил аскарлар шаҳарга сув олиб кирадиган ариқлар бошини кўмади. Натижада, шаҳар ҳавоси бузилади. "Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ", деганларидек эшиқлари ланг очик қолган ҳовлиларни талаш бошланади.

Энди бобомнинг кўзи тушган ҳовлиси ҳақида. Бу-ку, бир ташландиқ жой бўлган. Ўша мен эслатган қоч-қочлар, ундан кейинги қирғинлар кўп ҳовли-жойларнинг бўшаб қолишига сабаб бўлган. Бу ёғи "олган — олганники" қабилда. Бу воқеаларнинг шохиди бўлган кексалар даврасида ўтирганимизда яна бир нарсанинг гувоҳи бўлганман.

Азалдан кўҳна Туркистон, шу жумладан Бухорои Шариф дарвозалари шарқ мамлакатлари савдогарлари учун очик бўлган. Келиб-кешиб юрган савдогарлар ҳар доим карвонсаройларда яшамасдан, баъзи бирлари

ҳовли-жой қуришган. Ана ўша савдогарлар ҳам жонини сақлаб, молу-мулкни ташлаб қочишган. Шу пайтда бўш, ташландиқ бўлиб қолган ҳовличага эга бўлганлардан бири бобом эди. Қарангки, йигирма йилча бу жойга биров қадам қўймаган. Бобом бўлсалар, шаҳардаям бир бошпана бўлади, деб ҳовлидаги ахлатларни тозалабди. Ниҳоят, кўчиб келди. Ярим шаҳарлик бўлдим деб қувонди. Бобом аравада кўч-қўронни кўчириб қолган кунни эртаси, индинига ҳам биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Қора чироқни ёқаётган бибим бир оқшом бобомга оғиз очди.

— Отаси, етти ёт бегонанинг ҳовлисига сўрамай кўчиб келдик. Эгаси бир кунни келиб, бўшат, деса нима қиламиз?

— Нима қилардик, — кулди бобом, — дарров бўшатиб берамиз, ҳозирча чироқини ёқиб, дуои конини қилиб турайлик.

— Сиз шундай дейсиз-да, — хўрсинди бибим, — унда қишлоққа қайси юз билан борамиз?

— Қўй шу гапларни. Бобом билан бибим жим қолишди.

БОБОМ ҚУЛОҚ ҚИЛИНИШИ билан уларнинг ҳовли-жойи, молу-мулки мусодара қилинди. Уй-жойларига янги эгалар кириб олишди. Бобом сургундан қайтгач, ўз-ўзидан кўчада қолди. Қишлоқ чеккасида пахсадан уй

Бибим гапга қўшилди:

— Болам, бугинанинг отасиям урушга кетди. Гап мен ҳақимда кетаётгани учун бошимни эгиб туравердим. Ҳалиги йигит ўрнидан турар экан исмини айтди.

— Отим Наврўз, ота.

Уч кундан кейин Наврўз ака урушга кетди. Аммо ўша кун бобом қишлоқда эди.

Кечга яқин кўчага чиқсам девор бурчида Наврўз аканинг ўғли ўтирибди. Мен бориб ёнига ўтирдим. Унинг кўзлари қизариб кетган. Ғариб бир аҳволда эди. Мен нимадан гап бошлашимни билмай турганимда уларнинг кўча эшиги очилди.

— Онам, — дик этиб ўрнидан турди Мансур.

Зардўзи дўппи кийган, гажжакдор аёл кўчага қадам қўйиши билан бақирди:

— Ҳа, ергина ютгур. Уйга кирмайсанми? Қани, уйга кир.

Мансур бошини ичкари ютиб, зипиллаб уйга кириб кетди. Аёл менга ўқрайиб қараб, тарақ этиб эшикни ёпди. Қулоғимга Мансурнинг вой-войлаган товуши, аёлниң "Оғзингдан қонинг келгур" деб қарғгани эшитилди. Кейин-кейин Мансур бизнинг уйга кириб-чиқадиған бўлди. Бу орада бир-икки бор онаси йўқлигида уларниқига кирдим. Чунки у ёлғиз қолганида мени уйга таклиф қилар эди. Бир кун униқида ошиқ думалатиб турсак, ғарч-ғурч ковуш кийиб олган

онаси келиб қолди. Қошу-кўзини ўсмаю сурма билан бўяган бу аёл мендан ирганиб, Мансурдан сўради.

— Бунинг ким?

— Сафар, — деди Мансур.

— Қаердан топиб келдинг, — ўшқирди онаси. — Мен сенга айтмабмидим ичкаридан дарвозани занжирлаб ўтиргин, деб. Уйдан бирор нарса йўқолса, кунингни кўрсатаман. Йўқот бунингни.

Ўрнимдан тургандим, аёл мени тўхтатди.

— Ҳой, кимсан?

Болача жаҳлим тутиб кетди.

— Одамман.

— Икки оёғинг айтиб турибди. Бу ерга қаердан келиб қолдинг?

Мансур бирдан тилга кирди:

— Онажон, булар кўчиб келган ҳамсоямиз.

Аёл лабини бурди.

— Мана бу харобага кўчиб келган сайройилами?

Худди шу пайт бостирма тагидан эркак овози эшитилди.

— Ҳай, жони Ширин!

Аёл овоз келган томонга қадам босди:

— Лаббай — ҳо.

Мўйловли, шапка кийган, белига қалин чармли камар бойлаб олган одам бошқа сас бермай бостирмадан ҳовли юзига ўтди. Юзи кўриниб, чап кўзини қисди.

Аёл ўғли билан мени олдиға солиб қувди.

— Қани, кўчага чиқиб ўйнаб келингла. Қани, чаққон-чаққон.

Биз эшикдан чиқар-чиқмас қиқирлаган кулгуси эшитилди.

Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмадим.

Лекин Мансур бир кун онасиникида бўлса, ҳафталаб бибисиникида қолиб кетар, келганида ҳам симёғоч биқинидаги кичкина супадада ўтирар, ғамгин эди.

ОРАДАН ИККИ ЙИЛ ўтди. Буни дадил айтишимга сабаб, Нарзи бобом бир суҳбатда негадир Наврўз акани эслаб қолди.

— Ойю кунларнинг ўтишига қаранглар. Наврўзнинг урушга кетганигаям мана икки йил бўлибди. Бу ҳовличадаям икки йилдан ошиқ яшаб қўйдик.

— Қаранг-а, — деди бибим, — доммотимизнинг кетганига салкам тўрт йил бўлибди. Отаси, бу уруш дегани тугармикан?

— Оз қолди, эрта-индин йигитлар урушдан қайтади. Кеча Мироқовни кўрдим.

— Нима деди?

— Онаси, уруш тугабди. Мироқов айтди.

Мироқов дегани дум-думалоқдан келган, кенг елкали, қачон кўрманг қулоғининг чеккасиға қалам қистириб юрадиган киши эди. (Давоми бор).

Сафар БАРНОЕВ

БОЛАЛИКНИНГ УЧМАС ДАМЛАРИ

Публицистик ҳикоя

қуриб яшади.

"Кўч-кўч"дан зада бўлган бибим шунинг учун ҳам хавотирда эди. Бобом бунга кўникиб қолгани учун, бибим жаврай бошлаши билан "Қўй бу гапларни" деб, унинг сўзини кесар эди.

Энди дастурхон ёзилиши билан кўча эшиги тақиллаб қолди. Бибим қўлидаги чойнаги билан кимир этмай қолди.

— Отаси, эшик тақиллапти, эгаси келдиёв. Қаранг-чи.

— Келса келар, — деди бобом. Бобом болахона зинасидан пастга тушар-тушмас дўриллаган овоз эшитилди.

— Ҳой, ким бор?

— Ана, — деди бибим, — айтмадимми, эгаси келди деб. Энди нима қиламиз, — бибим шошиб қолди. — Ҳой, менга қара, ўғри бўлса-я. Бобонинг бир ўзи чиқди. Эшикни ёп. Бобонга ёпишса, сан дод дегин. Менинг овозим кўрқсам чиқмай қолади. Қулоқ солиб турчи. Бир кори-ҳол рўй бермасин.

Кўп ўтмай бобом овоз берган кишини болахонага етаклаб чиқди. Ичкаридан эшик занжирини маҳкам тортиб турган бибим бобом қадамни эшитиб "ҳайрият" дегандек пешонабандини қоши устига тушириб, қайта бойлади. Бобом етаклаб келган одам ёшгина йигитча экан. Анчагача гурунглашиб ўтиришди.

— Ота, — деди анчадан кейин йигит, — сизнинг кўчиб келганингизни эшитиб қувондим. Отамни кўргандек бўлдим. Менам ёлғизман. Мана шу қаршингиздаги ҳовлига ич қувё бўлиб тушганман. Бунга ҳам мана етти йилча бўлди, — у менга қаради. — Мана шу ўғлингиз тенги болам бор.


— Бу неварам бўлади, — деди бобом.

— Кечирасиз, ота. Ўзимга келсак, бу шаҳарда бошқа ҳеч кимим йўқ. Мана энди эрта-индин урушга олиб кетаман, деб туришибди. Отажон, бола-чақамга раҳнамо бўлиб туринг. Мана энди неварангиз иккита бўлади.

— Эҳ, бунақа неваралардан қишлоқда бир этак, — мақтанди бобом, — буниси сал эркарор. Қаёққа борсам ўзим билан бирга олиб юраман.

Бобом бирдан аламли тин олиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳм, уруш дегани сизгаям кўзини тикиб қолдимиз?



“Алла”нинг янги талқини.



“Мерган”.

ИЛҲОМЧИСИ — УМАР ҲАЙЁМ

Баҳодир жуда ҳазилкаш бола. Мактабдошлари, синфдошларига унинг ичакузди латибалари, ҳазиломуз гаплари жуда ёқади. Чунки Баҳодир уларни ўз ўрнида, керак пайтида айтади-да. Аммо йигитчанинг бундан бошқа “ҳислати” ҳам бор. Баҳодир расм чизишга уста. Ҳазилкашлиги унинг расмларида ҳам сезилиб туради.

— Рассомларнинг расм чизишда ўзларига жуда маъқул бўлган бир услуби бўлади, — дейди Баҳодир. — Менга кўпроқ ҳажвий расмлар чизиш ёқади. Нимагалигини ўзим ҳам билмайман. Аммо шу услубда ижод қилаётган рассомларнинг чизганларини, уларнинг ҳаётига оид маълумотларни жуда қизиқиб ўрганаман.

Баҳодир Собиров бу йил Тошкент шаҳридаги 157-мактабни яхши баҳолар билан якунлади. Эндиги орзуси ҳаётини, қизиқиш ва интилишларини рассомликка бағишлаш. Ўзининг айтишича бадиий китоб, айниқса шеър ва ғазаллар ўқишни ёқтиради экан.

— Умар Ҳайёмнинг ғазалларидан ўқисам, ўз-ўзимдан расм чизгим, нафақат ҳажвий, балки буюк полотнолар яратгим келади. Мени улар жуда илҳомлантиради.

— Баҳодир жуда эрта, ҳали мактабга бормасидан олдин расм чиза бошлаган. Китоб ўқиш, дарс тайёрлаш, футбол тепиш каби бошқа машғулотлар кейинчалик ҳам унинг бу ҳавасини енгиб кета олмади. Уни соатлаб бIRON расм устида ишлаётганини кузатиш мумкинлиги ҳақида уйдагилар сўзлаб беришади.


— Есениннинг бир шеърида “Агарда мен шоир бўлмасам, бўлар эдим безори, ўғри...” деган сатри бор. Демокчиманки, менинг ҳаёт йўлимда ҳам бир йўл бор. У ҳам бўлса — рассом бўлиш...

Сизнинг ҳам эътиборингизга ҳавола этаётганимиз ушбу ҳажвий расмларга қараб, биргаликда унга бу йўлда омад тилаб қолайлик.


Х. ҲАМИДОВ.

Расмларни Баҳодир СОБИРОВ чизган.

Истеъдод



Онанинг насиҳати.



Замонавий йигит.

Синдбод даҳшатли тушлар кўриб узок ухлади. Ниҳоят, очлик ва ташналик азобидан уйғониб кетди. Аъзойи бадани титраб-қақшаб қўғир, боши қарахт эди. Биринчи ўйлаган нарсаси — емиш топишу, чанқогини қондириш бўлди. Тепасида ўсиб ётган аллақандай бир дарахтнинг гўр меваларидан олиб еди, чанқоғи бироз босилди. У атрофига қаради: яйдоқ сахро, аҳён-аҳёнда битта-яримта бутасимон дарахт учрарди. Энг ёмони — на бирор тирик жон ва бирорта манзил кўзга чалинарди. “Оёғим ерга тегса нажот топарман”, деб ўйлагани пучга чиқди. Бу ер одам боласи қадам босмаган жазирама сахро эканлигини фаҳмлади. Лекин ноумид — шайтон, умидингни узма, кўнглингни бузма, деб ўз-ўзига далда берди. Бирор тирик жон учраб қолар, деган ўйда саҳронинг ичкарасига қараб юрди. Иссиқда ҳаллослаб, уриниб-суришиб илгарилар бораверди. Гоҳ-гоҳ денгиздан узоклаб кетганидан хавотир ҳам олиб кўярди. Лекин нажот денгиздан эмас — куруқликдан келиши мумкинлигини кўнгли сезиб турарди. Ташналик ҳамон азоб берар, очликдан силласи тобора қуриб борарди. Ноилож йўлда учраган буталарнинг танасини шимиб, майда меваларини еб, бироз ўзига келар ва яна олдинга интиларди. Жазирама сахрода юра бошлаганига учинчи е тўртинчи кун бўлганида узокда офтоб нурида ярқиллаб турган оппоқ, дум-думалоқ нарсага кўзи тушди. Синдбоднинг юрагида умид учкунлари енди: “Бу шаҳардаги бирор қасрнинг гумбази бўлса

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонларда.)

керак, хайрият, омон қолдим”, — деб ўша томонга қадамни тезлатди. Аммо оқ гумбаз саҳронинг ўртасида елғиз қаққайиб турар, унинг ён-вериди на бирор иморат ва на бирорта тирик жон кўринмасди. Бундан Синдбоднинг хайронлиги орта борди. “Ё тавба, бу нима экан-а?” деб таажжубланди у. Сўнг гумбазга яна ҳам

аста қаради. У ёқдаги шарпа ҳам ўзини четга олди. Синдбод “Эпчил қоплон ва сиртлонлар бўларди, шуларга дуч келдим шекилли”, деб ўйладию, яна ҳам эҳтиёткорлик билан гумбазнинг бу томонидан айланиб қаради. Шарпа кўринмас эди. “Шунчаки кўзимга кўринганга ўхшайди ёки инсу-жинсмикин?” —

Мухтор Худойқулов

СИНДБОДНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Замонавий эртақ

яқин келди. Унинг кўз олдида дум-думалоқ, баланд, тепаси бироз чўзинчоқроқ оппоқ гумбаз турар, унинг силлиқ деворлари қуёш нурида кўзни қамаштирарди. Гумбазнинг на эшиги ва на туйнуғи бор эди. Синдбод унинг атрофини айланиб кўрмоқчи эди, офтоб тушиб турган томонида нимадир гимираганини сезди. “Ё тавба, бу нима экан? Тагин бирор йиртқич даф қилиб қолмасин”, — дедию ўзини четга олиб,

деб ўйлади Синдбод ешлигида кекса бувиси айтиб берадиган эртақлардаги жину алвастиларни хаёлидан ўтказиб. Аммо ўзини дадил тутиб, ўша шарпа кўринган томонга юрди. Ҳеч нарса кўринмади. “Хайрият, даф бўлибди”, деб орқасига қайтган эди, бурчакдан ўша шарпа яна кўринди-ю, ўзини четга олди. Номалум нарса у билан худди бекинмачоқ ўйнаётгандай эди. Бу ҳол Синдбоднинг жигига тегди.

“Таваккал, бир бошга бир ўлим”, дедию шарпа томонга ташланди, у қочди, Синдбод орқасидан қувди. Жон-жаҳди билан чошиб, унга етиб олди. Шарпа — гирдиғумдан келган бир одам экан, у гумбазни айланганича орқасига қарамасдан қочарди. У баланд овоз билан: “Тўхта, эй одам, кимсан?” — деб қичқирди. Қочиб бораётган ҳалиги одам бу овозни эшитгач жойида такка тўхтадию, орқасига қайрилиб қаради. Синдбод не кўз билан кўрсинки, унинг рўпарасида Кўрқоқ кемачи турарди. “Абулҳасан?! — деб қичқирди Синдбод. — Бормисан, азизим?!” Турган жойида ҳайкалдек қотиб қолган Кўрқоқ кемачи “Хожам!” — деб қичқирганича Синдбодга қараб чопди. Улар қучоқлашиб кўришдилар, Синдбоднинг кўзларига ёш келди, бақалоқ Кўрқоқ кемачи унинг кўкрагига бош қўйганча йиғлаб юборди. “Тирикмисан, Абулҳасан?” — деди Синдбод дўстини бағридан чиқармай. “Мана, кўриб турганингиздек”, — деб хурсандчилигидан кўз ешларини артиб жилмайди Кўрқоқ кемачи. Улар гумбазнинг соя тарафига ўтишди-да, бир-бирларига ўз бошларидан ўтганларини айтиб бера бошлашди. Кўрқоқ кемачи ҳам балиқ-оролдаги тўполонда кемага етолмабди. Сувга гарқ бўлишига сал қолибди. “Ўшанда хурмога роса тўйиб олган эканман, меш қорним сувга тортиб кетай деди, хайрият, бахтим бор экан, тирик қолдим”, — деди Кўрқоқ кемачи. Сув юзига бир амаллаб қалқиб чиққандан кейин у оқиб бораётган дарахтга тармашибди.

(Давоми бор.)

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ



Таҳрир хайъати:
Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилдора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚУМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан “Ленин учкуни”
номи билан чиқа бошлаган

Газета ҳафтанинг сешанба кuni чиқади

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАХРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64563

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Бўйртма № Г—1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

X 2 3 4 5 6